*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

**2013 йил 24 январь, пайшанба, 03 (479)-сон**



**ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ УЧУН ЎҚУВ**

4 Ислоҳот



**АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР — O`ZLIDEP БИЛАН**

5 Ҳудудларда



**ОҚ-ҚОРА СИРТМОҚ ИСКАНЖАСИ**

7 Халқаро ҳаёт

**Парламентда**



### ВЕТЕРИНАРИЯГА ОИД ҚОНУН ТАКОМИЛЛАШИШИ КЕРАК

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Ветеринария фармацевтикаси ва дори воситалари муомаласини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуидаги семинар якунида шундай хулоса чиқарилди**

Тадбирда таъкидланганидек, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар 1993 йилда қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида»ги қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

4 ►►

**«Депутат минбари»**

### СОН, СИФАТ ВА САЛМОҚ УЙҒУНЛИГИ

**Ўзбекистонда йўловчиларга автотранспорт хизмати кўрсатишнинг 98,5 фоизи, автомобилларда юк ташиш ҳажмининг эса 90 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда**

Аввало, бу мамлакатимизда автотранспорт хизмати бозоридаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш бўйича мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барчага бирдек имкониятлар яратилгани натижаси эканини таъкидлаш лозим. Хусусан, «Автомобиль транспорти тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида» ва «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлар, соҳа фаолиятига доир ҳукумат қарорларида йўловчи ва юк ташиш қоидалари, хавфсизликни таъминлаш бўйича қатъий талаблар, шунингдек, йўналишларни тендер орқали белгилаш масалалари ўз аксини топган. Агар 2000 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 265 та автокорхона юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланган бўлса, 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига бу кўрсаткич 3841 тани ташкил этди.

4 ►►

# Ўзбек модели

## «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»ДА ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГРОҚ НАМОЁН ЭТАДИ

Нуфузли халқаро ташкилотлар 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз асоратлари жаҳоннинг кўплаб давлатлари иқтисодиётини, молия ва банк тизими мустаҳкамлигини синовдан ўтказаётган бир пайтда саноқли давлатлар, хусусан, Ўзбекистонда барқарор ўсиш, аҳоли турмуш даражасининг изчил юксалиши таъминлангани ва жаҳон бозоридаги позицияси янада мустаҳкамланганини қайта-қайта эътироф этмоқдалар.

Таҳлилчилар бундай кўрсаткичларнинг кейинги йилларда ҳам сақланиб қолиши, хусусан, ялпи ички маҳсулот ўсиши 2012-2015 йилларда 7-8 фоиз атрофида бўлишини тахмин қилаяптилар.

Тўғри, бундай натижаларга осонликча эришилаётгани йўқ. Зеро, мустақилликкача иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари билан собиқ иттифоқдаги давлатлар орасида ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлган Ўзбекистон 2012 йилда жаҳоннинг энг тез ривожланаётган давлатларидан бирига айланганида тўғри танланган йўл ва тараққиётнинг беш тамойили ҳаётимизга изчил татбиқ этилаётгани натижасидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида келтирилган далил ва рақамлар, мантиқий хулосалар ҳамда белгилаб берилган вазифалар моҳиятини қайта-қайта таҳлил этиш, яна бир бор «ўзбек модели» жаҳон миқёсида бежиз тан олинмаётгани сабабларини англашга имкон беради. Чунки ҳалигача аксарият давлатлар инқироз асоратларини бартараф этиш учун хилма-хил усул ва услубларни синаб кўришда давом этмоқдалар. Бу жараёнда турли қонун ва қарорлар қабул қилинаяпти. Қаердадир бой-бадавлат фуқаролар учун солиқ юкини ошириш йўли танланаётган бўлса, бошқа бир мамлакатда минг-минглаб фуқаролар ишсизлар сафига киритилаяпти. Айрим давлатларда эса ерости бойликлари, айниқса, нефть ва газ сотиш мамлакат тараққиётининг асосига айланиб қолган бўлса, бошқа бир мамлакат ташқи қарзлар эвазига кун кечиришга мажбур бўлмоқда.

2 ►►

**Ишончим комилки, Ўзбекистон раҳбари ислоҳотлар даврида ўзига хос йўл танлаган. Бунда ўзбек халқининг қадриятлари, урф-одати ва характери ҳам тўла инобатга олинган. Бунга Ўзбекистонда бўлганимда кўп бора ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун ҳам танти, мард ва меҳнаткаш ўзбек халқи беқиёс натижаларга эришмоқда.**



**Ху Жанжин,**
«Kristall-Fuyin industries» Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси раҳбари



Солиҳ ЗОИР олган сурат

**Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «PERSEY MASTER» МЧЖ ҳамда Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, битирувчилар доимий иш билан таъминланмоқдалар. Корхона раҳбари Фарҳод Юсуповнинг таъкидлашича, ёшлар бу ерда пластик ва алюминий профилли эшик ва дераза ромлари тайёрлаш сирларини ўрганиб, олий тоифадаги уста сифатида меҳнат қилиш имконига эга бўлишмоқда.**

# Олдимизга қўйилган мақсадлар халқимизнинг орзу-умидларига ҳамоҳангдир

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «БОШ МАҚСАДИМИЗ — КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ» номли маърузаси O`zLiDeP фаоллари томонидан чуқур ўрганилиб, унда белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида партиянинг 2013 йилдаги вазифалари қайта кўриб чиқилмоқда.**

2-3 ►►

**Муносабат**

# Фаолиятимиз мезони

## МАЪЛУМКИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «БОШ МАҚСАДИМИЗ — КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ» МАВЗУИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЎТГАН ЙИЛИ ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚ ВА НАТИЖАЛАР, БАРЧА СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мазкур маърузада ўтган йилга мўлжалланган Давлат дастури доирасида ҳаётимизда рўй берган улкан ўзгаришлар алоҳида таъкидланиб, жаҳон миқёсида ҳамон сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантириш давом эттирилгани, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтириш таъминлангани, Ўзбекистон дунё бозоридаги ўз мавқеини янада мустаҳкамлагани аниқ рақамлар ва далиллар асосида яққол кўрсатиб берилди.

Ўтган йил сарҳисоби ҳамда жорий йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган ушбу маъруза мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар қатори Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолияти учун ҳам муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиз. Айни кунда партиямиз унда кўрсатилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, ўз вазифаларини белгилаб олмоқда.

3 ►►

**БУГУНГИ СОНДА:**

### O`ZLIDEPНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛДИ

**халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашига 5 та сайлов округида бўлиб ўтган сайловларда O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан кўрсатилган номзодлар бошқа партия вакилларига нисбатан кўп овоз тўпладилар.**

5 »

### O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари диққатига!

Бугун, 2013 йилнинг 24 январь куни соат 16:00да O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтади.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида O`zLiDePнинг «Обод турмуш йили»даги долзарб вазифалари муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 22 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ | 2095,80 | 1 АҚШ доллари | ▲ | 1993,53 | 1 Хитой юани | ▲ | 320,58 | 1 Туркия лираси | ▲ | 1133,07 | 10 Япония иенаси | ▲ | 222,47 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ | 3162,14 | 1 Миср фунти | ▼ | 301,12 | 1 Малайзия ринггити | ▲ | 660,11 | 1 Швейцария франки | ▼ | 2133,03 | 1 Россия рубли | ▲ | 66,00 |
| 1 Дания кронаси | ▼ | 355,72 | 1 Исландия кронаси | ▲ | 15,54 | 1 Польша злотийси | ▼ | 639,79 | 1 ЕВРО | ▲ | 2660,84 | 1 Украина гривнаси | ▲ | 249,41 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 542,83 | 1 Канада доллари | ▼ | 2011,63 | 1 СДР | ▲ | 3063,12 | 10 Жанубий Корея вони | ▲ | 18,82 | | | |

# Ўзбек модели

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Миродил АБДУРАҲМОНОВ,**
«XXI ASR»

Шу ўринда дунёнинг энг номдор компания ва фирмалари иш ўринларини қисқартиришдан бошқа нажот топмаётганларини ҳам айтиш мумкин. Ана шундай бир пайтда Ўзбекистон 2013 йилда 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган инвестиция дастурини амалиётга татбиқ этишга киришгани, ушбу мақсадлар учун 13 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилаётгани, шубҳасиз, мамлакат иқтисодиётининг қай даражада барқарор эканидан далолат беради.

Энг муҳими эса жаҳон миқёсида ишсизлик даражаси ортаётган, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатлами ишсиз қолаётган 2013 йилда Ўзбекистонда 970 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилаётганини таъкидлаш жоиз. Бунда асосий эътибор ёшлар, аёллар ва қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчиларга қаратилмоқда.

— Маърузада белгилаб берилган энг муҳим вазифалар кўлами қанчалар беқиёс эканини ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилганида ҳам кўриш мумкин, — дейди қорақалпоғистонлик фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Серсенбай Сейитназаров. — Буни Юртбошимизнинг тармоқ дастурларини изчил амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганида ҳам кўриш мумкин. Бу марказдан анча олисдаги шаҳар ва қишлоқларимизда кечаётган ислоҳотларга марказдаги ўзгариш ва янгиланишлар қатори тенг эътибор қаратилаётганидан ҳам далолат беради.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоевнинг фикрича, маърузада ер ва сув масаласи ҳамда қишлоқларда ҳал қилувчи кучга айланган фермерлар фаолиятини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. — Бундан, энг аввало, биз, партия фаоллари тегишли хулосалар чиқаришимиз лозим. Зеро, қишлоқларимизга саноатни олиб кираётган, жойларда бандлик масаласини ҳал этишда фаол иштирок этаётган бу қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай муҳит яратиш O`zLiDePнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилаяпти. Аҳоли сони йилдан-йилга ошиб бораётган бир шароитда ўрта қатлам фаолиятига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, тадбиркорлик муҳити жаҳон тажрибасида қабул қилинган бизнесни юритиш мезонларига қай даражада мос келишини доимо кузатиб боришимиз лозимлигига ҳам маърузада алоҳида эътибор қаратилди.

Бунинг учун эса инвестициялар учун янада кенг имтиёзлар бериш, сармоядорлар фаолиятига доир ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришимиз керак.

Ҳа, чиндан ҳам Ўзбекистон ўтган йиллар мобайнида ислоҳотлар изчиллиги тамойилларига, янгисини қурмай туриб, эскисини бузмаслик принципига қатъий риоя қилди. Кучли давлатгина кучли иқтисодни яратиши, мулкни ҳақиқий эгаларига бериш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали ўрта қатламни шакллантириш мумкин, деган қоидани қабул қилди. Давлатнинг бош ислоҳотчилик роли ўтиш даврининг устувор тамойилига айланиши тўғрисидаги қоида бошқарув тизимининг асосига айланди. Аграр секторни ривожлантириш эса мамлакатнинг эртанги куни ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг асоси деган йўл танланди.

Бугун ҳар биримиз ана шундай ўзгариш ва янгиланишларнинг натижаларини ўз ҳаётимизда ҳис этаяпмиз.

Шу ўринда маърузада белгилаб берилган устувор вазифалар, тадбиркор ва ишбилармонлар учун яратилган қулай бизнес муҳити мамлакатимизга сармоя киритаётган хорижлик ишбилармонларни ҳам бефарқ қолдирмаётганини тилга олиш мумкин.

ДУНЁНИНГ ҚАЕРИДАДИР НОХУШЛИКЛАР, ҚИРҒИНБАРОТ УРУШЛАР, ОЧЛИК ВА ҚАШШОҚЛИК ҲОЛАТЛАРИ ҲУКМ СУРАЁТГАН БИР ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИ АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ НИЯТЛАРГА ҚЎЛ УРМОҚДА. БУ ЭСА ДУНЁДА ТАН ОЛИНГАН ТАРАҚҚИЁТНИНГ **«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»** ЖОРИЙ ЙИЛДА ҲАМ ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА САМАРАЛИ НАМОЁН ЭТИШИДАН ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА.

Хитойлик таниқли тадбиркор «Kristall-Fuyin industries» Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси раҳбари Ху Жанжиннинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 январь куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси ўз фаолиятини Ўзбекистон билан боғлаётган чет эллик тадбиркорларда ҳам жуда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Бизни айниқса, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунда хорижий сармоядорлар учун яратиб берилган имтиёз ва ваколатлар қувонтирди, — деди Ху Жанжин. — Бундан бир йил муқаддам Жиззах вилоятида ғишт заводи қуриб, ишга туширганман. Гарчи айни пайтда Пекинда бўлсам-да, Ангрендан кейин Жиззах вилоятида ҳам эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланганини эшитиб, бу борадаги таклифларимни тайёрлашга киришдим.

Яқин кунларда Ўзбекистонга бориб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни режалаштираяпман. Ишончим комилки, Ўзбекистон раҳбари ислоҳотлар даврида ўзига хос йўл танлаган. Бунда ўзбек халқининг қадриятлари, урф-одати ва характери ҳам тўла инобатга олинган. Бунга Ўзбекистонда бўлганимда кўп бора ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун ҳам танти, мард ва меҳнаткаш ўзбек халқи беқиёс натижаларга эришмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йиллари Ўзбекистон жаҳонга, жаҳон эса Ўзбекистонга ўз дарвозаларини кенг очди. Тенгҳуқуқлиликка асосланган, мамлакат миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда изчил олиб борилаётган бундай сиёсат ҳудудимизда қулай инвестицион муҳит яратилгани, хорижий компанияларга имтиёзли шароитлар берилгани, соҳага оид қонунчилик базаси муттасил мустаҳкамланаётгани натижасидир.

Халқимизда «Яхши ният — ярим давлат» деган ҳикматли нақл бор. Бугун она Ватанимиз изчил ислоҳотлар йўлидан бориб, дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб жой эгаллашга интилмоқда. Бу йўл 2013 йилни «Обод турмуш йили» дея номлашга ҳам асос бўлди. Дунёнинг қаеридадир нохушликлар, қирғинбарот урушлар, очлик ва қашшоқлик ҳолатлари ҳукм сураётган бир пайтда Ўзбекистон аҳли ана шундай эзгу ниятларга қўл урмоқда. Бу эса дунёда тан олинган тараққиётнинг «ўзбек модели» жорий йилда ҳам ўз имкониятларини янада самарали намоён этишидан далолат бермоқда.

# ОЛДИМИЗГА ҚЎЙИЛГАН ОРЗУ-УМИДЛАРИГА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

## МАСЪУЛИЯТНИ ТЕРАН ҲИС ЭТМОҚДАМИЗ

— ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ МАЪРУЗАСИДА ЎТГАН ЙИЛИ АМАЛГА ОШИРИЛГАН УЛКАН ИШЛАР ҲАР ТОМОНЛАМА ТАҲЛИЛ ЭТИЛИБ, 2013 ЙИЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ



**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

Фахр ва ифтихор билан айтиш мумкинки, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантира олди. Аҳоли турмуш даражаси изчил юксалтирилиб, дунё бозоридаги позициямиз янада мустаҳкамланди. Нуфузли халқаро молия институтлари ва етакчи илмий марказларнинг бу борадаги юксак баҳоси ҳам фикримизни тасдиқламоқда.

Йил якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7, қишлоқ хўжалиги — 7, қурилиш ишлари — 11,5, чакана савдо айланмаси — 13,9, хизмат кўрсатиш 14,2 фоизга ўсиб, давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан бажарилгани ишлаб чиқариш корхоналарини хусусийлаштириш бўйича кўрилаётган чоралар, иқтисодиётга инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри сармоялар жалб этилиши натижасидир.

Хусусан, ўтган йили иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилиб, бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Бу эса хорижий компаниялар ва халқаро молия корпорацияларининг Ўзбекистонга бўлган ишончи тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Маърузада белгилаб берилган вазифалар 2013 йилда ҳам иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилишидан далолат бермоқда. Бу эса партиямиз аъзолари, электорат вакилларининг ана шу муҳим жараёнда фаол қатнашишини тақозо этади. Бу жуда катта масъулият, деганидир.



**Барно АБДУЛЛАЕВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

## ҲАР БИР ДЕПУТАТ ЎЗИ УЧУН ХУЛОСА ЧИҚАРДИ

– O'ZLIDEPНИНГ САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, КЎП УКЛАДЛИ ЭРКИН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШИШ ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН

Шу маънода, мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисмидир, дея ишонч билан айта оламиз.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз томонидан Ўзбекистонда Жаҳон банки методологиясига мос равишда ишлаб чиқилган комплекс дастур доирасида олтита муҳим қонун, жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани, рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилгани алоҳида таъкидланди.

Маърузада белгилаб берилган вазифалар моҳиятига чуқурроқ ёндашсак, тадбиркорлик субъекти ҳуқуқи устуворлиги тамойилини амалга оширишда депутатлик назоратини янада кучайтириш лозимлиги аён бўлади.

Фракция аъзолари давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити бизнес юритишни баҳолаш шартлари бўйича жаҳон амалиётида қабул қилинган мезонларга қанчалик мос келишини доимий кузатиб бориш лозимлиги тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб, унга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканини билдиради. Чунки бу партия электоратининг талаб ва эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ масаладир.

## МАЪРУЗАНИ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМГА МУРОЖААТ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛДИМ

ЮРТБОШИМИЗ БАЁН ЭТГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРНИ ШАХСАН МЕН O`ZLIDEP АЪЗОСИ ВА БИР ТАДБИРКОР СИФАТИДА БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ЙЎЛЛАНГАН ҒОЯТ МУҲИМ МУРОЖААТ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛДИМ



**Тўрабек НАЗАРОВ,**
Халк депутатлари Тошкент шахар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гурухи аъзоси:

Жойларда янги иш ўринлари ташкил қилиш, биринчи навбатда, қабул қилинган дастурларни амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳамда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтиришга оид мулоҳазалар ўз фаолиятимизни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Айниқса, ҳар қайси оиладаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировардида бутун жамиятимиз барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишларига боғлиқ экани ҳақидаги мулоҳазалар фаолият йўналишимизни ҳам белгилаб берди. Шунинг учун ҳам депутатлик гуруҳининг 2013 йилдаги вазифалари айнан ана шу асосга қурилади.

Аҳолини иш билан таъминлашда уй меҳнатининг турли шакллари, касаначи ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича катта имкониятга эга эканмиз, ана шу салоҳиятдан туманлар кесимида қандай фойдаланилаётганини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ва чуқур таҳлиллар асосида амалий таклифлар тайёрлаш ҳам долзарб вазифаларимиздан бири бўлиши лозим.

Зеро, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар миқдори муттасил ўсиб бораётгани ҳам бу фикрни тасдиқламоқда. Мисол учун, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 51 фоизни ташкил этгани одамлар даромадининг ярмидан кўпи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан шаклланганини кўрсатаяпти.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН — ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИГА

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНИДА БИР КЎРСАТКИЧГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ, У ЖАҲОННИНГ ТАНИҚЛИ ИҚТИСОДЧИЛАРИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАЙТА-ҚАЙТА ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАЁТГАНИ ЭЪТИБОРНИ ТОРТАДИ. БУ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ ЎРТАЧА ЎСИШ СУРЪАТИНИ ИФОДА ЭТУВЧИ «8» РАҚАМИДИР. ЗЕРО, УШБУ КЎРСАТКИЧ ДУНЁДА ЮҚОРИ НАТИЖА ҲИСОБЛАНАДИ

**Абдурашид ЖЎРАБОЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Бу шубҳасиз, юртимизда босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлар ва унинг доирасида иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирлари изчил амалга оширилаётгани самарасидир. Бу айни пайтда тараққиётнинг “ўзбек модели” нақадар ҳаётийлигини, у нафақат Ўзбекистон, балки бошқа давлатлар, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда ҳам қўллаш учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Президентимиз маърузасида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги устувор вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмаслигини таъкидлаш жоиз. Зеро, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин экани маърузада алоҳида қайд этилди. Энг асосийси эса ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилиш асоси экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда алоқа воситалари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бирига айланди. У ишлаб чиқариш ресурси, инсонлар орасидаги алоқани таъминловчи қудратли восита ҳам ҳисобланаяпти. Шу маънода, мамлакатимизда мазкур соҳани янада ривожлантиришга стратегик йўналиш сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида кўзда тутилган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш доирасида узунлиги 180 километрдан зиёд бўлган Бойсун-Денов, Ургут-Шаҳрисабз оптик толали алоқа линияси ишга туширилгани, Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатиш мосламаларини ўрнатиш орқали рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 42 фоизга, мобиль телефондан фойдаланувчилар сони 20 млн., Интернетдан фойдаланувчилар 9,4 млн.га етгани ушбу фикрга мисол бўла олади.

Бугун Ўзбекистонда 20 га яқин телекоммуникация операторлари фаолият олиб бориб, улар телекоммуникация тизимида 28 та йўналиш бўйича дунёнинг 180 та мамлакатига тўғридан-тўғри чиқиш имконига эгалар.

Бир сўз билан айтганда, ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизни тубдан ўзгартирди. Бу айни пайтда одамларимизнинг дунёқарашига ҳам бевосита таъсир этаяпти. Яъни, ахборот-технологиялари ривожи билан бирга жамиятда ҳам туб сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Бугун Ўзбекистоннинг энг узоқ чўл ёки тоғли ҳудудларидаги фуқаро ҳам оламшумул жараёнлардан хабардор бўлиши баробарида ўзини уларнинг тўлақонли иштирокчиси, деб ҳис этмоқда.

Давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан, «Электрон ҳукумат» тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат интерактив хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимни яратиш, замонавий технологиялар асосида видео-телефония, интернет-телевидение, юқори тезликдаги Интернет хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги босқичидаги долзарб вазифалардандир, десак муболаға бўлмайди.

Юқоридаги йўналишлар амалга оширилиши натижасида замонавий компьютер ва ахборот технологиялари талабларига мос, тубдан янгиланган ахборот-коммуникация тармоқлари вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечириши, турмуш даражасининг муттасил ошиб боришини таъминлаш, партиямиз электорати бўлган тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес муҳитини яратишда ҳам муҳим омил бўлиши аниқ.

# МАҚСАДЛАР ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМОҲАНГДИР

## ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗДИР

– 2012 ЙИЛ АГРАР СЕКТОР ВАКИЛЛАРИ УЧУН ҲАМ ТОМ МАЪНОДА ОЛҒА ИНТИЛИШЛАР ДАВРИ БЎЛДИ. ХУСУСАН, ОҒИР ИҚЛИМ ШАРОИТИГА ҚАРАМАСДАН, ХЎЖАЛИГИМИЗ АЪЗОЛАРИ ҲАМ ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРДИЛАР



**Гўзал ШУКУРОВА,**
Тошкент вилоятидаги «Истиқлол Шукурова Гўзал» фермер хўжалиги раҳбари:

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ғалла, пахта, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича юқори кўрсаткичларга эришилгани эътироф этилгани Президентимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини қишлоқда ҳал қилувчи кучга айлантириш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилган ишлар самарасидир. Зеро, бугун фермер хўжаликлари қишлоқда ишлаб чиқаришнинг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозир бу ҳаракат ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштириб турибди. Жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган маҳсулотларнинг асосий қисми ҳам улар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўз навбатида, фермерлар номидан шуни айтиш лозимки, биз бундан кейин ҳам юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Бинобарин, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитлар яратиб берилаётгани бизларни янги-янги ташаббусларга чорламоқда.

Қатор йиллар давомида тўплаган тажрибамдан шундай хулосага келдимки, фермерлик ҳаракати Ўзбекистонда ўзини тўла оқлади. Фермер хўжаликлари уюшмасининг Фермерлар кенгашига айлантирилиши эса ушбу тузилманинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш билан бирга улар фаолиятидаги янги босқични ҳам бошлаб берди. Ҳамкасбларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик ҳисси тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бораётгани ана шу муваффақиятларнинг омили бўлаяпти.

## МЕН – ЎРТА ҚАТЛАМ ВАКИЛИМАН

– МАЪРУЗАНИ ДИҚҚАТ БИЛАН ТИНГЛАБ, 2013 ВА УНДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҲАМ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОР АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИ ЭЪТИБОРИМНИ ТОРТДИ



**Али ЗУННУНОВ,**
Сирдарё вилоятидаги «Али» хусусий корхонаси директори, O`zLiDeP Гулистон шаҳар кенгаши раиси:

Чунки кичик бизнесни замонавий инфратузилмаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Очиғи, бизга қўшни бўлган Жиззах вилоятида Навоий ва Ангрендаги каби эркин-иқтисодий зона ташкил этилиши ҳудуддаги барча тадбиркорларнинг хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилишлари, қўшимча имтиёзларга эга бўлишлари учун кенг майдон яратади. Энг муҳими, бу жараён сирдарёлик тадбиркорлар учун ҳам бирдек манфаат келтиради, деб ҳисоблайман.

Кўп минг сонли тадбиркорлар номидан Юртбошимизнинг буғ-газ электр станцияларини қуриш, муқобил энергия манбааларидан фойдаланиш, электр энергияси истеъмоли ҳисобини юритиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва транспортировка қилишда технологик йўқотишларни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари ҳам айни дилимиздаги гаплар бўлганини айтмоқчиман. Шу маънода, инфратузилмани ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда яқин истиқболда янги энергетика қувватлари, электр энергиясини узатиш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича 26 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилгани айни муддаодир.

Биринчи даражали инфратузилмалар таркибида ахборот-коммуникация тизими етакчи ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам янги ташкил этилган Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ўтган йили қабул қилинган Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва янада ривожлантириш дастури бажарилишини қатъий назоратга олиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб, деб билиши ҳақидаги маълумотлар шу қатламнинг бир вакили сифатида менга ҳам катта мамнуният бағишлади. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда атиги 24 фоиз эди. Аслида ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлат барқарорлиги ва одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончидандир, десак ҳар томонлама тўғри бўлади.



**РИЗО САМАДОВ,**
Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги «Ванғози баракали ҳосили» фермер хўжалиги раиси:

## ФЕРМЕРЛИГИМДАН ЯНА БИР БОР ФАХРЛАНДИМ

— ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАЪРУЗАСИДА ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ДУНЁНИНГ ЭНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРИДА ҲАМ УЛКАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ТУҒДИРАЁТГАН БИР ПАЙТДА МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЮКСАК ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАНИ, АЙНИҚСА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРДА МЕНИНГ ҲАМ ОЗ БЎЛСА-ДА ҲИССАМ БОРЛИГИДАН, ҚОЛАВЕРСА, ЮРТБОШИМИЗНИНГ ЮКСАК МИНБАРДАН ТУРИБ БИЗГА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРГАНЛАРИДАН ҚАЛБИМ ҒУРУРГА ТЎЛДИ

Ўтган йили фермер хўжалигимиз 180 тоннага яқин ғалла, 237 тоннадан зиёд пахта ва сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириб, белгилаб олган режаларимизни ортиғи билан уддаладик. Яқинда фаолият бошлаган тикув цехимизда 6 нафар ҳам қишлоғимиз учун иш ўрни яратилди. Айни пайтда 2012 йилдаги соф фойда 100 миллион сўмдан ошди. Йиғилишда фермер хўжаликларига «...қишлоқни ривожлантириш, шу аснода қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишда масъулиятни ўз зиммасига оладиган ижтимоий-сиёсий куч» сифатида таъриф берилгани зиммамиздаги масъулиятни янада оширади, албатта. Шу боис, жамоамиз билан келишган ҳолда «Обод турмуш йили»да фаолиятимизни кенгайтиришни режалаштирдик. Хусусан, ўтган йил кузида 2 мингдан зиёд чавақчалар ташланган 0,2 гектарли балиқхонамизни кенгайтириш, 1 гектарли иссиқхонада мўл ҳосил етиштириш, 0,2 гектар майдонга интенсив боғ яратиш баробарида бўш турган биноларимизда хориж технологияси асосида ишлайдиган замонавий мебель цехи ташкил этиш, компьютер ва телерадио тузатиш устахонаси очиш ҳисобига қўшимча 15 та янги иш ўрни яратишга киришдик.

Менимча, ҳар қандай оқил фарзанд киндик қони томган замин қадрини баланд тутади. Шундай экан, ҳар биримиз элим деб, юртим деб ёниб яшасак, берилган имтиёз ва қулайликларга жавобан ўз ишимизни сидқидилдан бажарсак, жонажон Ўзбекистонимиз янада обод ва турмушимиз янада фаровон бўлади.

## ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ – БОШ ЙЎЛИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2012 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 2013 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ «БОШ МАҚСАДИМИЗ – КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ» МАВЗУИДАГИ МАЪРУЗАСИНИ СИНЧИКЛАБ ЎҚИРКАНМАН, ЮҚОРИДАГИ ФИКРГА ЯНА БИР КАРРА АМИН БЎЛДИМ

**Зиёда ҲАЙИТОВА,**
*«Шуҳрат» медали соҳибаси,*
*O`zLiDeP фаоли*

Маърузада таъкидланганидек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, ёшларни тадбиркорлик соҳасига йўналтириш, жойларда инвестицион фаолиятни кенгайтириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тараққий эттириш бўйича қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, барча соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, мулк эгалари учун яратилаётган шарт-шароит ва имтиёзлар аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини кўриб турибмиз. Узоққа бормайлик, ўтган йиллар давомида вилоят маркази — Қарши шаҳри бутунлай янги қиёфа касб этди. Қад ростлаган замонавий иншоотлар, янги турар-жой бинолари ва савдо мажмуалари шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшди. Айниқса, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик кенг қулоч ёяётганлиги эътиборни тортади. 20 мингга яқин опа-сингилларимизнинг касаначилик орқали иш билан таъминланганлиги бунинг амалдаги исботидир. Ҳозирги кунда хотин-қизлар эришаётган ютуқлар ва амалга ошираётган ибратли ишлари ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди.

Тан олиш керак, тадбиркорлик туфайли рўзғоримизга барака кирди, фарзандларимиз онги ва тафаккурида туб ўзгаришлар юз берди. Бугун улар юрт, миллат манфаати йўлида хизмат қилишаётганини яхши англамоқдалар. Мустақиллик шарофати билан биз ана шундай имкониятларга эга бўлдик. Ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятимизни янада кенгайтиришда ТИФ «Миллий банк»нинг Қарши амалиёт бўлими яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, яқинда банк томонидан 30 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Шу ҳисобдан ходимларимиз сонини 5 нафарга кўпайтирдик.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Президентимиз ўз маърузаларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, бизнесни юритишда жаҳон амалиёти синовидан ўтган тажрибаларни жорий этиш, шу асосда мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг эртанги куни янада порлоқ бўлиши шак-шубҳасиз. Биз, қашқадарёлик тадбиркорлар бундай эътибор ва юксак ғамхўрликка жавобан масъулиятни янада ошириб, бор куч-ғайратимизни ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратмоғимиз лозим, албатта.

# Фаолиятимиз мезони

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Ушбу вазифалар орасида O`zLiDeP электорати саналган тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари, моддий ва интеллектуал мулк эгаларидан иборат қатлам — ўрта синф манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутади. Кўзланган мақсадларга қуруқ шиорлар билан эмас, балки амалий ишлар, биринчи навбатда, жойларда мулкдорлар синфи, тадбиркорлар, кичик ва хусусий бизнес вакиллари ҳамда фермерлар учун зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайдиган қонуний базани янада такомиллаштириш орқали эришиш назарда тутилмоқда.

Шу маънода, партиямиз жорий йилда ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва жойлардаги депутатлик гуруҳлари орқали ўз электоратининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни изчиллик билан давом эттиради. Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини ошириш, барча соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шу орқали ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга эришиш ҳамиша диққат марказида бўлади. Зеро, давримизнинг ўзи барчамиздан ижтимоий-сиёсий фаолликни тақозо этмоқда.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатларимиз орқали молия ва банк тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини тўла таъминлаш жорий йилда ҳам долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида жаҳон амалиётида синовдан ўтган илғор тажрибаларга таяниш, тижорат банклари, бошқа молия институтлари томонидан мулкдорларни кредит маблағлари билан ўз вақтида таъминлаш, чакана савдо соҳасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қатъий йўлга қўйиш ва банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Партия фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар учун жойларда зарур инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашишдан иборат эканлиги ўз-ўзидан маълум. Юртбошимиз маърузасида таъкидланганидек, бугунги кунда фермерлик ҳаракати ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларнинг етакчи йўналишига айланди. Ушбу тузилма ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирган бўлиб, мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Маърузада ушбу соҳада улкан ютуқлар ва салмоқли натижалар тилга олинар экан, фермерлик ҳаракатини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон Фермерлар кенгаши тузилди. Энг муҳими, ушбу тузилмага кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берилди.

Ана шундан келиб чиқиб, фермерларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз лозим. Бинобарин, шартномада кўзда тутилган хом ашё, материаллар ва товарларни белгиланган муддатларда етказиб бериш, фермерлар етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китобни амалга оширишда тайёрловчи ва таъминотчиларнинг масъулиятини кучайтириш, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун мумкин қадар қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Партиямизнинг агросаноат соҳасидаги фаолияти тадбиркорлик тузилмаларининг мавжуд захиралардан фойдаланишини янада кўпроқ рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш асосида маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳамда сифатини яхшилашга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, экспорт салоҳиятини ўстириш бўйича янгидан-янги ташаббусларга йўл очади, белгиланган мақсад ва режаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Ўрта синф вакилларининг самарали фаолият юритиши учун кенг имконият яратадиган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, хусусий сектор тараққиётига хизмат қиладиган истиқболли чора-тадбирларни белгилаш жорий йилда ҳам O`zLiDePнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Чунки айнан ўрта синфни шакллантириш юртимизда барқарорликни янада мустаҳкамлаш, тараққиётнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиши ўз-ўзидан маълум. Маърузада қайд этилганидек, «Ўтказилган сўровларга кўра, айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб, деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб, деб билар эди. Шуни унутмаслик керакки, ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг, одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончининг муҳим омили сифатида қабул қилинади».

Шу маънода аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшларимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кўпроқ жалб қилиш ўрта синф — мулкдорлар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз лозим. Партиямиз фаолиятини жамиятнинг ижтимоий, интеллектуал, гуманитар ва маънавий соҳаларидан айри тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури самарали амалга оширилмоқда, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш чоралари кўрилаяпти. Бундан мақсад иқтисодиётни барқарор ривожлантириш орқали жойларда турмуш маданияти ва фаровонлигини юксалтиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Қолаверса, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг касбий ва ижодий ўсишлари, мансаб пиллапояларидан кўтарилишлари учун пухта замин яратиш ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқдир. Бу эса кўп жиҳатдан ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқишларини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этишлари учун зарур иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришни тақозо этади.

Хуллас, юртимиз ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ислоҳотлар тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олган сиёсий куч вакиллари сифатида барча партиядошларимиз Президентимиз маърузасида белгилаб берилган дастурий мақсадларни амалга ошириш учун ўзларини тўла сафарбар, деб билишмоқда.

Бу эса партия аъзолари, унинг мақсад ва муддаоларини қўллаб-қувватлаётганлар, барча-барчамиздан фаол ва омилкор бўлишни, самарали ва фидокорона ишлашни талаб этади, албатта.

**Қиёмиддин НАЗАРОВ.**

# Азму шижоатли ёшлар — O`zLiDeP билан бирга

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА O`ZLIDEPНИНГ 11466 НАФАР АЪЗОСИ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 5773 НАФАРИНИ 30 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР ТАШКИЛ ЭТМОҚДА

**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»



Ёшлар — келажак эгаси, Ватан таянчи. Модомики, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида эртанги кун бунёдкорларига ғамхўрлик қилиш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсади мужассам экан, бундан ёшлар унумли фойдаланишлари лозим, албатта.

Бу борада нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари олдида ҳам катта масъулият борлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, етакчи сиёсий куч сифатида O`zLiDeP ҳам ўз дастурида навқирон авлоднинг қатъий фуқаролик позициясига эга бўлиши учун шароит яратишга интилаяпти.

Шу маънода, 2012 йилда O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан пойтахт вилоятидаги навқирон авлод вакилларининг таълим-тарбияси, маънавий камолоти йўлида қўшқанот бўладиган кўплаб тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Қуйи Чирчиқ туманида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Ёшлар тарбиясида оиланинг ўрни ва аҳамияти" мавзуида ўтказилган тадбирни алоҳида тилга олиш мумкин. Унда нафақат ёшлар, балки шу тумандаги маҳаллалар раислари, БПТлар етакчилари иштирок этиб, 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва фаоллигини янада кучайтириш, улар тарбиясида оиланинг аҳамияти ва ролини ошириш, келажагимиз бунёдкорларини касб-ҳунарга ўргатиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳини шакллантириш ва ҳар бир оила фарзандларини Ватан равнақи йўлида хизмат қилувчи етук ва баркамол кадрлар қилиб тарбиялаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2012 йил давомида бўлим томонидан вилоятдаги ёшларнинг иқтидор ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, сиёсий билим ва кўникмаларини ошириш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, "Диплом билан — бизнесга" лойиҳаси доирасида қатнашган ёшлар тажрибали мутахассислар ва таниқли тадбиркорлар ёрдамида бизнес-режа тузиш, банк кредитини расмийлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишнинг сир-синоатлари ҳақида кўникмага эга бўлдилар. Натижада ёшлар орасидан 40 нафари махсус сертификатларни қўлга киритиб, молия муассасаларидан имтиёзли кредит олдилар.

Шундай иқтидорли ёшлардан бири Озода Рустамова "Консалтинг-маслаҳат" фирмасини очиш лойиҳаси учун «Микрокредитбанк»нинг Қуйи Чирчиқ туман бўлимидан 10 миллион сўмлик кредит олиб иш бошлади.

— Ҳаёт мазмуни олға юриш ва ривожланишдан иборат, — дейди O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Илҳом Тўрахонов. — Бир жойда туриб, қолиш, ўз изидан ортга қайтиш, демакдир. Шундай экан, бугун ҳеч биримиз илдамлашдан тўхтамаслигимиз лозим.

Эътиборлиси шундаки, бундай ёшлар O`zLiDePнинг кадрлар захирасига олинади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ҳаётда ўзига муносиб ўрин топишида яқиндан ёрдам беради.

Бир сўз билан айтганда, O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ёшлар ишончини қозонмоқда.

# Дастур ўзини оқлади

### 2012 ЙИЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҲАРАКАТ ДАСТУРИ АСОСИДА 43 ТА ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛИБ, 2162 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ



**Зафар БОЛТАЕВ,**
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

Маълумки, ўтган йили Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаши ва Нишон туманларида хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокида кичик саноат корхоналари, маиший ва сервис хизматини янада ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича «O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ва депутатлик гуруҳининг Ҳаракат дастури» ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари вилоят кенгаши томонидан тасдиқланган эди. Қишлоқларда ишбилармонлик ва касаначилик ҳамда уй меҳнатини ривожлантиришга қаратилган ушбу ҳужжатни тайёрлаш жараёнида партиянинг қуйи бўғинлари томонидан жойлардаги муаммоли вазифалар атрофлича ўрганилиб, мутасадди ташкилотлар мутахассислари ва экспертлар билан ҳамкорлик қилинган эди.

Дастурда O`zLiDeP электорати вакиллари таклифларидан келиб чиққан ҳолда аҳолига оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, ёшларни ишбилармонликка йўналтириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилгани унинг самарадорлигини таъминлади, дейиш мумкин. Бунда асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг истеъмол талабини ўрганиш, жойларда янги иш ўринлари яратиш, ихтисослашган кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини партия фаоллари таъкидламоқдалар. Энг муҳими, катта маблағ талаб этмайдиган маиший-хизмат корхоналарини ташкил этиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам бу жараёнга фаол жалб этилди. Уларга туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Натижада ана шу дастур асосида вилоятда амалга оширилган лойиҳаларнинг аксарияти қишлоққа саноатни олиб киришга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биргина Қамаши туманида битта йирик ва 5 та кичик саноат корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Китоб туманида эса 9 та кичик саноат ва маиший сервис корхонаси ҳамда хусусий фирмаларда микрокальцит, мармартошни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ва аҳоли учун зарур уй-жой жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган V мажлисидан сўнг бу борадаги ишларни «Обод турмуш йили»да ҳам давом эттириш, мажлис қарорлари асосида тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга киришдик.

Ана шу мақсадда кенгашнинг кенгайтирилган мажлиси ўтказилиб, унда депутатлик гуруҳининг «Обод турмуш йили»даги фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

**«Аёллар** *қаноти»*



# Энг ёш иштирокчига — 6 миллион

### 2012 ЙИЛДА «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»НИНГ «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКДАН — МУСТАҲКАМ ОИЛАГА» ЛОЙИҲАСИ ИШТИРОКЧИСИ СОҲИБА ҚУТБИДДИНОВАГА АНА ШУ МУКОФОТ НАСИБ ЭТДИ

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI ASR»

Соҳибага пазандалик онасидан юққан. Ёшлигидан таомлар тайёрлашга қизиққач, бу соҳа сирларини пухта эгаллашга аҳд қилди. Юртимизда оилавий тадбиркорликка қаратилаётган юксак эътибор унинг бу қизиқишини тадбиркорликда синаб кўриш имконини берди. Ана шу хоҳиш Соҳибани партия аъзоси бўлишига сабаб бўлди.

«Аёллар қаноти»нинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасида фаол қатнашган Соҳиба мутахассислар кўмагида ўз бизнес лойиҳасини тайёрлади. Ушбу бизнес-режа дастлаб шаҳар, кейин республика босқичида муносиб баҳоланиб, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Қишлоқ қурилишбанк»-ининг 6 млн. миқдоридаги имтиёзли кредитини қўлга киритиш имконини берди. Ана шу сармоя эвазига замонавий дастгоҳларга эга бўлган «Соҳиба» оилавий корхонаси байрам арафасида 10 хил турдаги маҳсулотини сотувга чиқарди.

O`zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси ғолибига айланиб, ўз фаолиятини янада кенгайтиргач, ёш тадбиркорнинг онаси ва опаси ҳам иш билан таъминланди. Айни пайтда Оилавий бюджетга қўшилаётган даромаддан эса оила аъзоларининг барчалари манфаатдор бўлмоқдалар.

— Тадбиркор сифатида иш бошлаш учун ҳам маънавий, ҳам моддий имкониятга эга бўлдим, — дейди С.Қутбиддинова. — Зеро, партия лойиҳаси туфайли анчадан буён ўйлаб юрган ғояларимни амалга оширдим.

— Туманимизда Соҳибага ўхшаб қатъият кўрсатаётган хотин-қизлар кўпаймоқда, — дейди O`zLiDeP Юнусобод туман кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими раҳбари Маҳбуба Бегматова. — Муҳими, уларни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратилаяпти. Айни кунда сафимиздаги опа-сингилларимизнинг 364 нафари тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улар кўмагида ҳар йили 30-40 дан ортиқ янги иш ўрни яратилаяпти.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юртимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси Соҳибага ўхшаш минг-минглаб ёш тадбиркорларнинг истиқболли режаларига қанот бағишламоқда.

# O`ZLIDEP МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**ҚАШҚАДАРЁ.** O`zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Касби туманида «Тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар: таништириш ва улар билан ишлашга ўргатиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия вилоят ва туман кенгаши «Аёллар қаноти» гуруҳи аъзолари, «Маҳалла» жамоат фонди туман бўлими аъзолари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, тадбиркор, ҳунарманд ва касаначи хотин-қизлар иштирок этдилар. Давра суҳбатида партия хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий, хуқуқий фаоллигини ошириш, улар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қишлоқ жойларда аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кўпроқ жалб қилиш, бу борада жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигига алоҳида урғу берилди.

**ХОРАЗМ.** O`zLiDeP Шовот туман кенгаши «Бизнес-режа тузиш ва уни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш» мавзуида амалий семинар ўтказди. Туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари, тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг ечимини топиш масалалари муҳокама қилинди. Ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва партия электорати вакилларини тадбиркорлик ва фермерликка кенгроқ жалб қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Семинарда банк ва молия муассасалари мутахассислари тадбиркорлик лойиҳаларини банклар орқали молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кредитларни расмийлаштириш жараёнлари ва шарт-шароитлари ҳақида маълумот бердилар.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Қонликўл туманининг «Бешкўпир» овул фуқаролар йиғинида «Обод турмуш йили» муносабати билан «Жамият оиладан бошланади» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. O'zLiDeP туман кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилаларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий даражасини ошириш, хотин-қизларни ижтимоий хавфли ва зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш, уларнинг тиббий салоҳиятини юксалтириш масалаларига эътибор қаратилди. Давра суҳбатида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси Гулжамол Муханова, маҳалла фаоли Қуйибой Кутимов ва бошқалар сўзга чиқиб, хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини янада ошириш, айниқса, келажагимиз вориси бўлган фарзандларимиз тарбиясида уларнинг масъул эканликлари тўғрисидаги мулоҳазаларини билдирдилар.

**НАМАНГАН.** O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Чортоқ туманидаги «Боғистон» агросаноат касб-ҳунар коллежида «Мен тадбиркор бўлмоқчиман» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари, БПТ раислари, партия фаоллари — тадбиркор ва фермерлар ҳамда талабалар иштирок этган тадбирда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни бизнесга жалб этиш, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонларда белгилаб берилган имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Сўзга чиққанлар иқтисодий ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, хусусан, улар иштирокида кичик бизнес тузилмаларини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш зарурлигини қайд этиб, бу жараёнда O`zLiDeP зиммасидаги вазифаларни самарали ижро этиш, айниқса, «Обод турмуш йили»даги энг муҳим вазифалардан эканини таъкидладилар.

# ХАБАРЛАР

## O`ZLIDEPНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛДИ

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун ўтказилган сайловларда O`zLiDeP вакилларининг қўли баланд келди.

Хусусан, вилоят кенгашининг 5 та сайлов округида бўлиб ўтган сайловларда O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши томонидан кўрсатилган 4 та номзоднинг нисбатан кўпроқ овоз тўплагани маълум бўлди.

Сайлов натижаларига кўра, 16-«Нодирабегим» сайлов округидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова, 22-«Хазиний» сайлов округидан Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали директори Равшанбек Усмонов, 39-«Ал Хоразмий» сайлов округидан вилоят телерадиокомпанияси директори вазифасини бажарувчи Нозимжон Мўминов ҳамда 54-«Ғофур Ғулом» сайлов округидан Қўқон давлат педагогика институти қошидаги академик лицей директори Юлдуз Хожиева халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши депутатлигига сайланган.

## ҲОСИЛДОРЛИК 20 ФОИЗГА ОШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг полимерлаш кимёси ва физика институти олимлари сабзавот ва полиз экинларини капсулалаб экиш ғоясини илгари сурмоқдалар.

Олимларнинг таъкидлашича, биологик фаол полимерли тизимлар ёрдамида уруғларни қобиқлаш усули иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши билан бирга, экологик жиҳатдан ҳам хавфсиздир. Маҳаллий хом ашё — табиий шойи ишлаб чиқариш ва пахтани тозалаш саноати чиқиндиларидан тайёрланадиган қобиқ ноқулай об-ҳаво шароити ҳамда намлик юқори бўлганида ҳам ниҳолни ҳимоя қила олади. Атроф-муҳит учун мутлақо хавфсиз препарат маълум муддатдан сўнг ўз-ўзидан йўқолиб, ўсимлик учун қўшимча озуқа бўлиб хизмат қилувчи таркибий элементларга айланади.

Бундай технологияни дастлаб чигитда қўллаб, юқори самарага эришган олимлар сабзавот ва полиз экинлари уруғини капсулалаш ҳам яхши натижа беришига ишонмоқдалар. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунда полиз ва сабзавот экинлари уруғларининг ўсувчанлиги 10-20 фоиз ошиб, ҳосилдорлик гектаридан 4-7 тоннагача кўпаяди.

Айни пайтда институт олимлари бошоқли дон ва озуқа экинларини экишда ҳам шундай усулдан фойдаланиш устида тажриба ўтказишмоқда.

## СТАНЦИЯ УЧУН — 7,3 МЛН. ДОЛЛАР

Бухоро вилоятида таъмирдан чиқарилган Қоракўл насос станцияси ишга туширилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан хабар қилинишича, Президентимизнинг 2011 йил 6 июлдаги «Бухоро вилоятидаги Қоракўл насос станциясини қайта таъмирлаш учун ускуналар харид қилиш лойиҳаси тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Хитойнинг «Zhong Yuan China IPP-R International Engeenering Corp.» компанияси билан имзоланган келишувга мувофиқ, ўтган давр мобайнида 7,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар олиб келинган.

Маълумотларга кўра, реконструкция ишларидан сўнг насос станциясининг сувни тортиш қуввати оширилиб, секундига 45 куб — метрга етказилди. Бундан ташқари, агрегатнинг энергияни иқтисод қилиш кўрсаткичлари кескин яхшиланган.

**Асхор ИСТАМОВ тайёрлади.**

«XXI ASR»
2013 йил 24 январь,
пайшанба.
03 (479)-сон

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Тадбиркорлик

## Ёшлар кичик бизнесни танлаяптилар

МАЪЛУМКИ, ШУ КУНЛАРДА ЖОЙЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН «КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ» МАВЗУИДА АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. АНА ШУНДАЙ ТАДБИРЛАРНИНГ НАВБАТДАГИСИ ЗАНГИОТА ТУМАНИДА БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ИСТАГИДА БЎЛГАН БИТИРУВЧИ ЁШЛАР, ТАДБИРКОРЛАР ҲАМДА СОҲАГА ОИД ТАШКИЛОТ МУТАСАДДИЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI ASR»

Учрашувдан кўзланган асосий мақсад Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, жойларда оилавий бизнесни йўлга қўйиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида яратилган имтиёзлар ва шарт-шароитлар мазмун-моҳиятини атрофлича тарғиб қилиш, аҳоли ҳамда тадбиркорларга кўрсатилаётган банк хизматларининг самарадорлигини янада оширишдан иборатдир.

Йиғилганлар томонидан кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш механизми янада такомиллаштирилганлиги, банк-молия тизимида ислоҳотлар тобора чуқурлаштирилаётганлиги, тадбиркорларга консалтинг хизматлари кўрсатиш ҳамда ёшлар, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳалари учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш кенг йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Аниқ рақамларга тўхталадиган бўлсак, ўтган йили биргина пойтахтимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитларнинг ҳажми 2011 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга ортиб, 1 трлн. 902. млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса жойларда бандлик даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.




Семинарда, шунингдек, Юртбошимиз фармон ва қарорларига мувофиқ, имтиёзли кредитларнинг асосий қисми меҳнат ресурслари ортиқча бўлган олис туман ва шаҳарларда жойлашган тадбиркорлик субъектларига йўналтирилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг куч ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, бу борада барча молиявий манбааларни ишга солиш айни кундаги долзарб вазифалардан биридир. Битирувчи ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, республикамизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 2012 йил давомида 48,4 млрд. сўм имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 1,7 баробарга кўп, демакдир.

***Тошкент шаҳри тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратилган имтиёзли микрокредитлар (млрд. сўм):***




Тадбиркорлар орасида оила қўрғонининг чароғбони бўлган опа-сингилларимизнинг тобора кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. Банк муассасалари томонидан уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда. Биргина 2012 йил давомида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун республика бўйича қарийб ярим трлн. сўм, жумладан, Тошкент шаҳри бўйича 169,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди ва 2011 йилнинг мос даврига нисбатан ушбу кўрсаткични қарийб 1,4 баробар оширишга эришилди.

***Тошкент шаҳри тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадлари учун йўналтирилган кредитлар (млрд. сўм):***




Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, кейинги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, намунавий лойиҳалар асосида туман марказлари ва шаҳарларда янгидан-янги иншоотлар барпо этилаётганлиги таҳсинга лойиқдир. Мамлакатимиз Президенти томонидан 2012 йил 10 майда қабул қилинган «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорда белгилаб берилган устувор вазифалар босқичма-босқич амалга оширилганлиги жойларда хизмат сифати ва маданиятини ошириш, қўшимча иш ўринлари ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги тижорат банклари томонидан айнан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 2012 йилда 217,4 млрд. сўм ёки 2011 йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 баробардан ортиқ миқдорда маблағ ажратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

> РЕСПУБЛИКАМИЗДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН **2012 ЙИЛ** ДАВОМИДА **48,4 МЛРД. СЎМ** ИМТИЁЗЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ. БУ КЎРСАТКИЧ **2011 ЙИЛГА НИСБАТАН 1,7 БАРОБАРГА КЎП,** ДЕМАКДИР.

***Тошкент шаҳри тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига йўналтирилган кредитлар (млрд. сўм)***




Учрашувда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада такомиллаштириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида тегишли ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Реклама** ўрнида

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

*1-илова*

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш
юзасидан танловда қатнашиш учун
БУЮРТМАНОМА

1.________________________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2.________________________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3.________________________________________
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари
________________________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

*2-илова*

Инвестиция таклифининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар салоҳияти.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш – янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

*3-илова*

Инвестиция таклифининг
ПАСПОРТИ

________________________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | Қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ | | | |


# ХАБАРЛАР

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий хомашёдан сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнга маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор берилаётгани самарасида корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури, ҳажми, сифати ҳамда рақобатбардошлиги ошмоқда. Кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Буни Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги «Elnur and Ruslan textile» корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир бу ерда қирққа яқин моделда болалар учун мавсумбоп кийимлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамиз юксак иш унумдорлигига эришиш, юқори сифатли, рақобатбардош ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган энг замонавий техника ва технология билан таъминланган, — дейди корхона директори Д.Маматқулов. — Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. 2012 йилда корхонада етти миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 15 фоизи ички бозорда сотилди, 85 фоизи хорижий давлатлардаги истеъмолчиларга етказиб берилди.

Корхона мутасаддиларининг таъкидлашича, жорий йилда бу борадаги кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилмоқда. Янги техника ва ускуналарни харид қилиш ва мато тўқишни ҳам йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Бу ишлар самарасида яна саксонга яқин янги иш ўринлари яратилади.

Қарийб юз фоиз маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаётган «Elnur and Ruslan textile»да бугунги кунда 450 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

— Ўз мутахассислигим бўйича мазкур корхонага ишга кирганимдан хурсандман, — дейди Янгийўл иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежини тамомлаган Дилфуза Баҳромова. — Корхонада самарали меҳнат қилиш, кўнгилдагидек дам олиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Бу ерда бичиш-тикиш бўйича эгаллаган билим ва малакамни янада оширмоқдаман.

**Х.САЛИМОВ, ЎзА мухбири**

## ЧОРТОҚЛИК ФЕРМЕРДАН ЎРГАНИШ КЕРАК

2008 йилда Германиядан 47 бош зотли қорамол олиб келган Чортоқ туманидаги «Анортоғ наслчилик-бўрдоқичилик» фермер хўжалиги раҳбари Камолиддин Зоҳидов ўз олдига аҳолини сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашни мақсад қилган эди. Дарҳақиқат, белгиланган тартибда парвариш қилинган чорва сони кўпайгани сайин фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ҳам ортиб борди.

Наманган вилояти ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, 20 нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаган фермернинг чорвачилик комплексида ўтган давр мобайнида катта ҳажмдаги реконструкция ишлари ҳам амалга оширилди. Хусусан, қорамолларни парваришлашга замонавий технологиялар жорий этилиб, тўлиқ компьютерлаштирилган соғиш заллари қурилди. Қорамол ва бузоқлар учун замонавий технологиялар асосидаги молхоналар ҳам ишга туширилди.

Натижада 2012 йилнинг тўққиз ойида фермер хўжалиги томонидан истеъмол бозорига 500 тонна гўшт, 50 тонна сут етказиб берилди. Айни пайтда хўжаликда 520 бошдан зиёд зотли қорамол парваришланмоқда. Аҳамиятлиси, юз гектардан зиёд экин майдонида етиштирилаётган чорва озуқаси уларни илмий асосланган рацион асосида боқиш имконини бермоқда.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.**

# Оқ-қора сиртмоқ

«ЧОҲГА ЁКИ ТУБСИЗ ЖАРГА ҚУЛАЁТГАН КИМСА ҚИЙИНЧИЛИК ҲАҚИДА ЭМАС, БАЛКИ ҚУТИЛИШНИ ЎЙЛАШИ КЕРАК», ДЕГАН ЭДИ ФАЙЛАСУФЛАРДАН БИРИ

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»



Инсон табиати қизиқ. Аввал муаммони ўз қўли билан яратиб, кейин унинг олдини олишга бутун умрини сарфлайди. Тарихга назар ташласак, ҳиндулар қабиласи бевосита кашф этган тамакини машҳур сайёҳ Христофор Колумб Марказий Америкадан Европага олиб келади ҳамда маҳаллий аҳолига унинг баргини найча қилиб ўраган ҳолда чекишни ўргатади. Ўшанда ҳеч ким бу иллат бир кун келиб инсоният бошига кашандалик сиртмоғини илишини ўйламаган ҳам эди. Кейинчалик тамаки ўсимлиги швед табиатшуноси Карл Линней томонидан хонакилаштирилиб, олим Жан Нико шарафига ундан олинадиган модда «никотин», деб атала бошланди. Ҳа, дарҳақиқат Колумб ўшанда адашди ва унинг хатоси инсоният учун қимматга тушганига бугун барчамиз бирдек гувоҳ бўлиб турибмиз. Орадан асрлар ўтиб, тасаввурга сиғмас ихтироларни яратган инсон онги бу хатони тузатиш ва мазкур иллатни таг-томири билан йўқ қилишга ожизлик қилаяпти.

Бугун она сайёрамизда 1,3 миллиард киши ана шу иллатга қарам бўлиб улгурди. Унинг инсон саломатлигига салбий таъсирини эса унча-мунча хавф билан тенглаштириб бўлмаяпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутасаддилари дунёда йилига 5 миллиондан ортиқ киши айнан ушбу иллат туфайли ҳаётдан кўз юмаётганини таъкидламоқдалар. Бу рақам ОИТС, сил, безгак каби касалликлар туфайли содир бўлаётган ўлим сонидан анча кўпдир. 17 миллионга яқин киши эса унинг таъсирида юрак-қон томир, ўпка саратони, сил, ошқозоности бези яллиғланиши, оғиз бўшлиғида келиб чиқадиган турли хасталикларни орттираяпти. Соҳа мутахассислари бу балога қарши самарали кураш олиб борилмас экан, 2030 йилга келиб, унинг оқибатида ҳар йили дунёда 10 миллионга яқин киши ҳаётдан кўз юмиши мумкинлигини тилга олмоқдалар. Минг афсуски, бизни ваҳимага солаётган бундай рақам ва далилларга қарамай, чекувчилар сони ортса ортаяптики, камаймаяпти...

> БУГУН ДУНЁДАГИ ЖАМИ КАШАНДАЛАРНИНГ **200 МИЛЛИОНГА** ЯҚИНИ, ТАМАКИДАН ВАФОТ ЭТАЁТГАНЛАРНИНГ ЭСА **1,5 МИЛЛИОНИНИ** АЁЛЛАР ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, БУ БОРАДА, АЙНИҚСА, НОРВЕГИЯ, ИРЛАНДИЯ, НИДЕРЛАНДИЯ, ЛАТВИЯ СИНГАРИ ДАВЛАТЛАР ЕТАКЧИЛИК ҚИЛАЯПТИ. ЭРТАГА АНА ШУ ЖИРКАНЧ ОДАТНИ ЎЗИГА ЭП КЎРГАН АЁЛЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ ОНА БЎЛИШИ КИШИНИ МУЛОҲАЗАГА ЧОРЛАЙДИ.

Зарарли одат, дея аталаётган чекиш бугун одамлар онгида гўё ишчанликни оширадиган, асабий зўриқишни бартараф қиладиган, суҳбатни қиздиришга кўмаклашадиган, ўзаро тушунишни вужудга келтирадиган, зерикканда асқотадиган, ёлғизликни эса сездирмайдиган «дўст» қиёфасидаги душман бўлиб шаклланмоқда. Вазиятга бошқача қарасак, тамаки савдосидан келиб тушаётган миллиардлаб маблағлар тарози палласидаги манфаатлар мувозанатининг бир томонга оғишига сабаб бўлаётганини англаб етамиз. Бундан эса инсон ва унинг саломатлиги тарозининг иккинчи палласида тош боса олмаётгани англашилади. XIX аср ўрталарида дастлаб Европа қитъасида, кейинчалик океан ортида йирик тамаки фабрикалари, турли русумдаги сигарет ишлаб чиқариш корхоналари биринкетин вужудга кела бошлади. Йиллар ўтиб, тамаки савдоси дунёни қамраб олди. Таҳлилчиларнинг фикрича, айрим нуфузли тамаки фабрикалари асосан рекламани кучайтириш ҳисобига жуда тез муваффақиятга эришган. Маълумотларга қараганда, АҚШ фильмларининг деярли барчасида сигарет чекиш саҳнаси мавжуд экан. Таажжубланарлиси, ана шу фильмларнинг ижобий образдаги бош қаҳрамонлари бутун дунё кўз ўнгида сигарет тутатиб туради. Табиийки, ушбу фильмлар таъсирига тушган ёш авлод вакилларининг кўпчилиги, ҳаттоки катталар ҳам ўша қаҳрамонларга ўхшаш илинжида тамакини татиб кўришади. Ва...

Энг ачинарлиси, илгарилари кашандаликда эркаклар яққол «фаворит» ҳисобланган бўлишса, айни дамда хотин-қизлар ҳам улардан қолишмасликка интилишмоқда. Ушбу рақамларга эътибор беринг: бугун дунёдаги жами кашандаларнинг 200 миллионга яқини, тамакидан вафот этаётганларнинг эса 1,5 миллионини аёллар ташкил этмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, бу борада, айниқса, Норвегия, Ирландия, Нидерландия, Латвия сингари давлатлар етакчилик қилаяпти. Эртага ана шу жирканч одатни ўзига эп кўрган аёлларнинг кўпчилиги она бўлиши кишини мулоҳазага чорлайди, албатта.

Ваҳоланки, тиббиётчилар чекиш жинсий аъзоларга ҳам салбий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлашади. Сурункали чекиш иммунитетни пасайтириб, турли микроблар фаолияти учун кенг йўл очади. Эндокрин безлар тизими аста-секинлик билан бузилиб, қандли диабет, бўқоқ каби хасталиклар ривожланишига замин яратади. Энг ёмони, кашанда аёлларда ҳомиладорлик эрта тугаши, вақтдан илгари туғруқлар, ўлик бола туғилиш ҳолатлари чекмайдиган аёлларга нисбатан 2-3 марта кўп учраши кузатилган. Чекишни эрта бошлаган ўғил-қизлар ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўз тенгқурларидан анча орқада қолиши ва уларда гиёҳванд моддаларга борган сари кучлироқ эҳтиёж туғилиши эса инсоният олдида нақадар жиддий иллатта қарши курашиш вазифаси турганини кўрсатмоқда.

Шу ўринда олимлар томонидан тамаки таркибида 500га яқин биологик фаол моддалар борлиги аниқланганини таъкидлаш лозим. Шулардан 50 дан ортиғи инсон танасида ҳар хил касаллик уйғотиш хусусиятига эгадир. Чекувчи тамаки тутунини тортаётган вақтда «попирос» учидаги ҳарорат 800-1000 $^0$С гача етишига ишониш қийин. Тутун таркибида 300га яқин зарарли моддалар бўлиб, у ўзидан никотин, ис гази, карбонат ангидрид, радиактив полоний, қўрғошин, турли қатронлар, сициль, чумоли ва бошқа кислоталар, олтингугурт, бензопирен, аммиак, формальдегид, қоракуя сингари инсон организми учун хавфли моддаларни чиқаради. Улар орасида никотин сигарет тутунининг энг зарарли таркибий қисми экани кўпчиликка маълум. Бундан кўриниб турибдики, ушбу моддалар фақат чекувчига эмас, балки ён-атрофдагилар саломатлигига ҳам бирдек таъсир кўрсатади. Гарчи кашандалар учун бу маълумотлар уйдирмадек туюлса-да, тамаки тутуни инсон организмини заҳарлаб, биринчи навбатда асаб тизимига салбий таъсир кўрсатишини инкор этиб бўлмайди. Натижада мия озиқланиши ёмонлашади, қон босими ошиб, бош оғриғи пайдо бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, инсон вужудида тамакидан зарар топмайдиган бирор аъзо ва тизим йўқ. Хитойлик олимлар тадқиқотига кўра, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш кўзга катаракта тушиши ва унинг хиралашишига ҳам олиб келиши мумкин. Узоқ вақт олиб борилган таҳлиллар натижасида чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан кўзнинг ушбу турдаги касаллигига чалиниш хавфи анча юқори бўлиши аниқланган. Агар катарактани ўз вақтида олди олинмаса ёхуд тўғри даволанмаса, кўрликка сабаб бўлиши ва бир умр хаста бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

Яқинда Веайл Корнелл коллежи фармакологлари томонидан антиқа вакцина яратилгани ҳақидаги маълумотлар тарқалди. Ушбу вакцина одам организмида махсус антитаначалар яратиб, улар никотинни қонда қолдириб, вакцина мияга етиб боради ва ўз-ўзидан лаззатланиш туйғуларининг вужудга келишига тўсқинлик қилади. Тадқиқот иштирокчиларидан бири Роналд Кристалнинг таъкидлашича, чекаётган одамда 6-10 сонияда никотин қонга тушиб, мияга етиб боради ва чекувчида оний лаззатланиш туйғуси вужудга келади. Яратилган вакцина эса ана шу жараённи тўхтатиб қўйиш хусусиятига эгадир. Ҳозирча вакцина фақат каламушларда синаб кўрилгани айтилмоқда. Аммо мутахассислар унинг одамга ҳам худди шундай таъсир кўрсатишига ишонмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чекиш соғлиқ учун зарар эканлиги тўғрисида минглаб китоблар чоп этилиб, ундан воз кечишнинг турли йўллари ўйлаб топилмоқда. Аммо кашанданинг ўзи чекишни ташлашга қарор қилмаса, у ҳеч нарсани билишни ҳам, бажаришни ҳам истамайди, деб таъкидлайди психологлар.

Кунига бир қути сигарет чекувчи шахс бутун умри давомида организмига 2 килограмм миқдоридаги соф никотинни қабул қилар экан. Ушбу миқдор 20 минг кишини бирданига ўлдириш кучига эга эканини кўпчилик билмаса керак. Шу боис дунё ҳамжамияти ушбу иллатга қарши турли усуллар орқали аёвсиз кураш олиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам ушбу иллатнинг олдини олишга қаратилган қонунлар қабул қилиниб, улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Хусусан, 2010 йилда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унга кўра тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкоголли ичимликлар рекламаси қатъий тақиқланди

Европа минтақасида биринчилардан бўлиб Ирландия ҳукумати жамоат жойларида чекишни тақиқловчи қонун чиқарган бўлиб, ундаги тартибларни бузган фуқаро 3 минг евро миқдорида жарима тўлаши белгилаб қўйилди. Норвегияда эса ресторан, бар ва қаҳвахоналарда сигарета чекилмаслигидан ташқари, мана кўп йилдирки, тамаки маҳсулотлари рекламаси ҳам чекланган. Австралия қонунчилигида ҳам иш жойлари, ҳукумат бинолари, шифохоналар, аэропорт, ресторан ва савдо марказларида, ҳатто оммавий чўмилиш жойларида ҳам чекиш қатъиян ман этилган. Финляндияда эса кашандаликни чеклашга қаратилган қонун бандлари бироз шафқатсизроқ. Унга кўра, 18 ёшга тўлмаган йигит-қизларга сигарета сотиш ва бошқа йўллар билан қўлига бериш ман этилган. Бу ерда вояга етмаганларга бир дона сигарет сотиш ҳам жиноят сифатида баҳоланиб, унга амал қилинмаса, айбдор катта миқдорда жарима тўлаши ёки олти ойгача озодликдан маҳрум этилиши белгиланган.

Аммо ана шундай чораларга қарамай, ушбу «иллат»га қарам бўлаётганларнинг кўпчилигини ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари ташкил этаётгани дунё ҳамжамиятини хавотирга солмоқда. Айниқса, Европа минтақасида бу кўрсаткич юқори бўлаётгани таъкидланмоқда. Шундоқ ҳам туғилиш йилдан-йилга пасайиб кетаётган кўҳна қитъада кашандалик тобора чуқурроқ илдиз отиб бормоқда. Энг ачинарлиси, бугун сигарета чекишга муккасидан кетган ёш йигит-қизларни эртага гиёҳвандлик остонасига қадам қўймаслигига ҳеч ким кафолат бера олмаяпти.

# ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

## ОБАМА ҚАСАМ ИЧДИ



Барак Обама Капитолийда президентлик қасамёдини қабул қилди. Хабарларга кўра, ушбу маросимда конгресс аъзолари, Вазирлар маҳкамаси, Олий суд судьялари, штатлар губернаторлари ва дипломатик корпус вакилларидан иборат жами 1600 киши иштирок этган. Шунингдек, махсус ўрнатилган мониторлар орқали яна 800 мингга яқин киши қасамёд қабул қилиш жараёнини жонли кузатиб турди.

Инаугурациядан сўнг Вашингтон марказий кўчасида анъанавий парад бўлиб, унда ҳарбийлар, мактаб оркестр жамоалари, ўқувчилар, санъаткорлар, жами 8 минг киши қатнашган.

## «SONY» ХАСИСЛИККА ЎТАЯПТИ...МИ?




1946 йилдан буён фаолият юритиб келаётган машҳур «Sony» компанияси ўзининг Нью-Йоркдаги бош офиси ҳамда Токиодаги офисларидан бирини сотишни режалаштирмоқда. Экспертларнинг фикрича, бу компанияга 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағ олиб келади. Аввал хабар берганимиздек, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ушбу саноат муассасаси сўнгги тўрт йил давомида узлуксиз молиявий зиён кўрган. Компания мутасаддилари бу муаммони бартараф этиш мақсадида ишчи ўринларини ҳам кескин қисқартирмоқда. 2013 йилнинг мартига қадар мазкур концернда фаолият юритаётган ўн минг ходимнинг ишдан бўшатилиши кутилмоқда. Шу йўл орқали «Sony» ҳар йили 378,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаш имконига эга бўлади.

## ГУВОҲНОМА МУАММОЛАРГА УЗИЛ-КЕСИЛ ЧЕК ҚЎЙДИ



Европа Иттифоқи мамлакатларида жорий йилнинг 19 январидан умумий ҳайдовчилик гувоҳномаси жорий этилди.

Маълумки, бугун Европа мамлакатлари ўртасида деярли чегара қолмаган. Йўл ҳаракати қоидалари ҳам деярли бир хилдир. Бироқ ҳайдовчилик гувоҳномаларининг юздан зиёд турлари борлиги ноқулай шароит туғдираётган эди. Янги лойиҳа эса мазкур муаммоларга узил-кесил чек қўяди.

Хабарларга қараганда, 2033 йилга бориб ҳайдовчилик гувоҳномасини бутунлай ўзгартириш режалаштирилмоқда. Мутахассислар мазкур ўзгариш имтиҳонларни қайта топширишни талаб этмаслигини алоҳида таъкидлашмоқда.



## МЕЪЁРДАН ОШИШ ЯХШИЛИККА ОЛИБ КЕЛМАЙДИ

Олимлар тез тайёр бўладиган фаст-фуд таомларини меъёридан ортиқ истеъмол қилган болаларда астма хасталигига чалиниш хавфи пайдо бўлишини таъкидлашмоқда.

Бир зумда пишадиган бундай егуликларни кўп тановул қилиш мазкур касаллик оғир шаклининг ривожланиш хавфини ўсмирларда 39 фоиз, 6-7 ёшли болаларда эса 27 фоиз кучайтиради.

Шунингдек, экзема ва ринит - ёш оқиши ва кўзлар атрофида қичишишни келтириб чиқарадиган хасталикларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Шифокорлар мунтазам равишда мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш астма касаллиги симптомларини сусайтириши мумкин эканини айтишмоқда.



«XXI ASR»
2013 йил 24 январь,
пайшанба,
03 (479)-сон

# Сўнгги саҳифа

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Теннис

## Хитойга қарши еттинчи «юриш»

БУ ЙИЛ ДЭВИС КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИДАГИ 20-МАВСУМИНИ ЎТКАЗАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ БЕЛЛАШУВЛАРНИ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ТЕННИСЧИЛАРИГА ҚАРШИ ЎЙИН БИЛАН БОШЛАЙДИГАН БЎЛДИ

**Убайдулла ҲАМИДОВ,**
«XXI ASR»

Ўзбекистон Теннис федерацияси ахборот хизматининг хабар беришича, 1-3 февраль кунлари Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуасида ташкил этиладиган мазкур матч терма жамоамизнинг ана шу турнир доирасида ўтказиладиган 50-учрашуви сифатида қайд этилади.

Таъкидлаш жоиз: теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати сифатида эътироф этилган Дэвис кубогидаги иштирокини 1994 йилда Осиё ва Океания минтақасининг учинчи гуруҳидан бошлаган ўзбекистонлик теннисчилар ўтган давр мобайнида ҳудуддаги мавқеларини бирмунча мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлдилар. Гапимиз исботи сифатида сўнгги ўн олти йил давомида терма жамоамизнинг 6 марта Жаҳон босқичининг плей-офф баҳсларига йўл олганларини айтиб ўтиш мумкин.

Дастлабки эътиборга молик натижалар янги минггйиллик арафасида ўзбек теннисининг ўша давр етакчилари — Олег Огородов, Дмитрий Томашевич ва Вадим Куценко томонидан қайд этилди. Аҳамиятлиси, терма жамоа сафида ўтказилган учрашувлар сони бўйича ўзига хос рекорд ўрнатган спортчиларимиз — Огородов ва Куценко бошқа давлат вакиллари қаторида 2012 йилда Халқаро Теннис федерацияси томонидан таъсис этилган махсус мукофотга лойиқ кўрилганлар гуруҳидан ўрин олдилар.

Терма жамоамизнинг келгуси рақиби ҳақида тўхталар эканмиз, Дэвис кубоги доирасида вакилларимизга энг кўп рўбарў бўлган хитойликлар ҳамюртларимиз билан биринчи марта 1995 йилда, Осиё ва Оксания минтақасининг иккинчи гуруҳидан биринчи гуруҳига ўтиш учун ўтказилган квалификация баҳсларда учрашганини таъкидлаш даркор. Ўша беллашувда Хитой терма жамоасининг қўли баланд келгани боис ҳамюртларимиз кучлилар гуруҳига қўшилиш масаласини кейинги йилга қолдиришга мажбур бўлишганди. Энг қизиғи, 1996 йилда ниҳоят биринчи гуруҳда иштирок этиш имконини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси илк баҳсни айнан Чин юрти вакилларига қарши ўтказганди ва Пекин кортларида ҳам омад мезбонларга кулиб боққанди. Аммо кейин ўтказилган учта ўзаро учрашувнинг барчасида ўзбекистонлик теннисчилар ғалаба қозондилар. 2010 йил Хитойда бўлиб ўтган беллашувда вакилларимиздан устун келган Осмоности юрти вакиллари шу тариқа умумий ҳисоб 3:3 бўлишини таъминладилар.



Демак, Наманган кортларида бўлиб ўтадиган еттинчи учрашувда терма жамоалар аъзолари «айни пайтда ва ўзаро ўтказилган барча матчлар бўйича ким устун» деган саволга ойдинлик киритишга ҳаракат қиладилар.

Нима бўлганда ҳам, бу борада мамлакатимизнинг етакчи ракетка усталарига омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Футбол

### ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁДА ЭНГ ЮҚОРИ ЎСИШГА ЭРИШДИ

Халқаро Футбол уюшмалари федерацияси - ФИФА терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур рейтингга мувофиқ жами 555 очко тўплаб, 56-поғонани банд этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2012 йилнинг декабрь ойи якунларига кўра, энг юқори ўсишга эришган учта терма жамоа қаторидан ўрин олди. Хусусан, Куба ва Нигерия терма жамоалари ФИФАнинг бундан аввал эълон қилинган рейтингига нисбатан тегишли равишда 12 ва 8 поғона юқорилаган бўлса, Ўзбекистон бу борадаги кўрсаткичини 11 ўринга яхшилади. Демак, мамлакатимиз футболчилари қитъадошлари орасида энг юқори ўсишни қайд этишга муваффақ бўлишди. Мазкур «парвоз»дан сўнг ушбу рейтингда Эрон (60-поғона) терма жамоасидан ўзиб кетган миллий терма жамоамиз 2007 йилнинг июнь ойидан бери илк маротаба Осиёнинг энг кучли 4 та жамоаси қаторидан ўрин олди.



Мунажжимлар башорати

## Тадбиркор юлдузларга қулоқ соладими?

2013 ЙИЛ ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ЙИЛ БЎЛАДИ?

**Маълум бўлишича, бизнесда қозониладиган муваффақият юлдузлар томонидан «кўрсатиладиган» йўлни танлашда адашмаслик, қолгани эса оғир меҳнат натижасига боғлиқ экан. Мунажжимларнинг тадбиркорлару ишбилармонлар учун 2013 йилга тайёрлаган башоратларига риоя қиласиз-ми ёки аксинча, бу ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Зеро, халқимиз орасида «фолга ишонма, фолсиз юрма» деган гап ҳам бор**

**ҚЎЙ (21.03-20.04).** Юлдузларнинг «башорат» қилишича, Илон йили банк иши, нақд пул ва қимматли қоғозлар муомаласи билан шуғулланувчи, шунингдек, йўл, транспорт қурилиши, қандолатчилик соҳасида фаолият кўрсатувчи бурж вакиллари учун ниҳоятда омадли келади. Кўчмас мулк олди-сотдиси, кимёвий маҳсулотлар ҳамда мўйна, пўстин ва чарм маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда хўжалик молларини ишлаб чиқарувчилардан эса ўз бизнесларини юритишда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади.

**БУЗОК (21.04-21.05).** Риэлторлик ва қурилиш соҳаларида фаолият юритадиган «бузоқлар»га 2013 йил катта даромад келтириши, туризм, боғдорчилик, чорвачилик ҳамда автомобилларга хизмат кўрсатишни мақсад қилган бурж вакилларига омад ёр бўлиши кутилмоқда. Дори-дармон, маиший техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки сотиш ҳамда қўриқлаш бизнеси билан шуғулланувчи «бузоқлар»га эса 2013 йилда шошмашошарликка йўл қўймаслик тавсия этилаяпти.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06).** Хусусий ОАВ эгалари, шунингдек, реклама бизнеси билан шуғулланувчи ҳамда кимёвий воситалар ва текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «эгизаклар» ҳам жорий йилда ўз бизнесларини кенгайтиришга муваффақ бўладилар. Мебель ва йўл қуриш соҳасида банд бўлганларга эса янги лойиҳаларни етти ўлчаб, бир кесиш тавсия этилади.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06.22.07).** Юмшоқ ўйинчоқлар ва маиший техника воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш, шунингдек, ресторан, банк, меҳмонхона бизнеси билан шуғулланувчи «қисқичбақалар» 2013 йилда барча рақибларини ортда қолдиришга эришадилар. Гўзаллик салонлари эгалари ҳамда салқин ичимликлар ишлаб чиқариш ва олди-сотдиси билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг, аксинча, кучли рақобат туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келишлари кутилмоқда.

**АРСЛОН (23.07-22.08).** Автомобиль ва унинг эҳтиёт қисмлари, заргарлик буюмлари, шунингдек, атторлик, маиший техника воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «арслонлар» Илон йилида гуллаб-яшнайдилар. Қидирув-қўриқлаш, чорвачилик ва тиббиёт соҳаларида фаолият кўрсатувчи бурж вакилларидан эса инвестициялардан эҳтиёткорона фойдаланиш лозимлиги талаб этилади.

**ПАРИЗОД (23.08-22.09).** Агар сиз «паризод» буржи остида туғилган бўлсангизу зардўзлик, ҳисоблаш ускунлари ёки кир ювиш воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғуллансангиз ёки кўчмас мулк олди-сотдиси, таржимонлик соҳаларида фаолият юритсангиз, билингки, 2013 йил сиз учун ҳар томонлама омадли келади. Чарм-пойабзал, спорт, атторлик буюмлари, шунингдек, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва реклама бизнесига алоқадор бўлсангиз, ишончли ҳамкорлар билан маслаҳатлашган ҳолда иш юритганингиз маъқул.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10).** Шоу-бизнес, меҳмонхона, матбаачилик, заргарлик ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларида ишловчи «тарози»-тадбиркорларга мунажжимлар 2013 йилда ўз бизнесларини янада кенгайтиришни маслаҳат бермоқдалар. Ўз навбатида, юлдузларнинг «таъкидлашича», ўта эҳтиёткор ва сезувчан бурж вакиллари ўзлари учун хавфли бўлган йўналишларни ўзлари ажратиб олишлари лозим экан.

**ЧАЁН (23.10-22.11).** Мазкур бурж вакиллари учун Илон йилида деярли барча соҳаларда яшил чироқ ёниб туради. Хусусан, юлдузларнинг «башорат» қилишича, «чаёнлар» нафақат банк иши, адвокатлик, реклама соҳаларида ишлашлари, шунингдек, чарм-пойабзал буюмлари, санитария-гигиена маҳсулотлари, мебель ҳамда ўйинчоқ ва алоқа-коммуникация воситаларини ишлаб чиқариш, балки сиёсат билан ҳам шуғулланишлари мумкин. Муҳими улар қонунга хилоф ишларга қўл урмасалар бўлди. Акс ҳолда...

**ЎҚОТАР (23.11-21.12).** Тиббиёт, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида иш олиб бораётган «ўқотарлар», шунингдек, оилавий бизнес билан шуғулланувчи бурж вакиллари жорий йилни катта ҳажмдаги молиявий фойда билан якунлайдилар. Йўловчи ташиш хизмати, шунингдек, автомобиль эҳтиёт қисмлари ва ёнилғи маҳсулотлари олди-сотдиси билан банд бўлган ишбилармон «ўқотарлар»дан ҳар томонлама эҳтиёткорлик талаб этилади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-20.01).** Қимматли қоғозлар савдоси, риэлторлик, спорт ва хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бурж вакилларининг бошларига омад қуши қўниши кутилмоқда. Гулчилик ва чорвачилик каби соҳаларда ўзини синаб кўрмоқчи, шунингдек, тамаки маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғулланмоқчи бўлган «тоғ эчкилари»га юлдузлар бу борадаги бизнес-режаларини ҳаётга татбиқ этишни кейинроққа қолдиришни «тавсия» қилмоқдалар.

**ҚОВҒА (21.01-19.02).** Мазкур бурж вакилларининг 2013 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида (дам олиш масканлари, меҳмонхоналар) катта ютуқларга эришишлари кутилмоқда. Бундан ташқари, мунажжимларнинг тахминича, «қовғалар» мебель, қурилиш ашёлари ва спорт жиҳозлари, шунингдек, хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларига инвестиция киритсалар, асло ютқазмайдилар. Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган бурж вакилларига эса фақат кўп йиллик ишончли ҳамкорлар билан бирга иш юритиш тавсия этилади.

**БАЛИК (20.02-20.03).** 2013 йилда тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз маҳсулотларингизни экспорт қилмоқчи бўлсангиз, санитария-гигиена товарлари, кир ювиш воситалари, канцелярия маҳсулотларини ишлаб чиқаринг. Хизмат кўрсатиш соҳасида омадингизни синаб кўрмоқчи бўлсангиз, меҳмонхона ёки кўнгилочар ўйинлар (аттракционлар) бизнеси билан шуғулланинг. Ортиқча пулингиз бўлса ҳам, қурилиш моллари ҳамда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари савдосига аралашмаганингиз маъқул.

**Ш.ХЎЖАЕВ ва Р.ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

Эълон

### ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.**

***3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2012 йилнинг 31 мартидан 2013 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2013 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.***

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

***Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);***
***Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);***
***Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);***
***Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).***

**Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом,** «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом,** «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом,** «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:**

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг турар-жойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни – 2013 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

**Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.**
**Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**
**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35-хоналар.**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.Journalist.uz**

# ХАБАРЛАР

### 21 МАРТДА ЎРМОНЛАР КУНИ НИШОНЛАНАДИ



БМТ Бош Ассамблеяси 21 мартни — Халқаро ўрмонлар куни, деб эълон қилди. Хабарларга кўра, мазкур қарор ўрмон ва дарахтзорларнинг сайёрамиз хавфсизлигини таъминлашдаги тутган ўрнига янада кўпроқ эътибор қаратиш мақсадида қабул қилинган.

Аҳамиятлиси, Ассамблеянинг ушбу ташаббусини қўллаб-қувватлаган Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалаги ташкилоти (ФАО) яқинда БМТнинг барча аъзо давлатларини ушбу кунни муносиб нишонлаш, ўз навбатида, дарахт кўчатларини ўтқазиш каби махсус тадбирларда иштирок этишга чақирди.

Маълум бўлишича, айни пайтда Ер юзаси қуруқлик қисмининг 31 фоизини ўрмонлар ташкил қилган бўлиб, сайёрамизда ўпка вазифасини бажарувчи ўрмонларнинг 13 фоизи қўриқланадиган табиий ҳудудларда жойлашган.

### НЕГА ЖАНУБИЙ ҚУТБ СОВУҚРОҚ?



Ернинг фаразий айланиш ўқининг икки чеккасидаги ҳудудлар, яъни қутблардаги ҳарорат гарчи мазкур нуқталар экватор чизиғидан бир хил узоқликда жойлашган бўлса-да, кескин фарқ қилишини биласиз-ми? Хусусан, Жанубий қутбдаги ўртача ҳарорат Цельсий бўйича - 48 даража совуқни ташкил қилса, Шимолий қутбда бу кўрсаткич - 29 $^{0}C$ даража кўринишида қайд этилган. Ёз кунларида эса Шимолий қутбдаги ҳарорат 0 даража атрофида бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳароратлардаги фарқ Жанубий қутбнинг муз билан қопланган қитъа — Антарктидада жойлашгани, Шимолий қутб нуқтаси эса устки қавати Шимолий муз океани марказида бўлгани учун келиб чиққан. Зеро, бу ҳолатда музлаган океан остидаги сувлар иссиқлик манбаи вазифасини бажараётган бўлса, тош каби қотган қитъа, аксинча, совуқлигини ўзида сақловчи музлаткич ролини «ижро этади». Боз устига, Жанубий қитъа денгиз сатҳида «ётган» Шимолий қитъадан фарқли ўлароқ, катта баландликда (ўртача 2800 метр) жойлашганини ёддан чиқармаслик керак. Бинобарин, тоғли ҳудуд бошқа жойларга нисбатан совуқроқ бўлиши барчамизга маълум.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.**

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАХРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 6264. Тираж: 22 330
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
ISSN 2181-497X
Навбатчилар: Қ.САЙДАЛИЕВ, С.ЗОИРОВ.